

19-iyun
2025-yil 24 (1 126)



O'ZLiDeP



АХШР

IJTIMOIY SO'ZLASHMAZETASI

21asr.uz @XXIasr_yangiliklari asrgazetasi

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan



Боғлардаги бойликларни бой бермайлик



ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБОЙЖОН

O'zLiDeP ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДА ҚАТНАШДИ



Озарбойжоннинг қадимий ва рамзий шаҳри – Шушада “Кўпқутбли жаҳон тартиби: геосиёсий жиҳатлар ва глобал чақириқлар” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли анжуман турли давлатларнинг етакчи сиёсий партиялари вакиллари, дипломатлар, таҳлилчилар ҳамда халқаро муносабатлар соҳасидаги мутахассисларни бир майдонга жамлади. Тадбирда жаҳон хавфсизлиги, барқарор ривожланиш ва глобал ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди, долзарб муаммолар муҳокама этилди.



Халқнинг дарди билан
яшаш мажбуриятдир

3.

Уруш қачон
тугайди?

5.

“Қозоқ солдати”ни
ағдарган Носир Фозилов

6.



Шаҳноза ХОЛМАҲАМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

“Марказий Осиё – Хитой” ҳамкорлиги:

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ
ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугунги глобаллашган ва рақамли трансформация жараёналари кучайиб бораётган даврда халқаро минтақавий шериклик формати — иқтисодий барқарорлик, технологик тараққиёт ва маданий яқинликни таъминлашда муҳим воситага айланмоқда. Айниқса, Марказий Осиё давлатлари билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик – нафақат кенг қўламли иқтисодий лойиҳаларни илгари суриш, балки минтақанинг стратегик манфаатларини уйғунлаштиришда ҳам муҳим омилдир.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг “Марказий Осиё – Хитой” иккинчи саммитида илгари сурган ташаббуслари минтақавий тараққиётнинг янги босқичини бошлаб беради, дейиш учун асослар етарли. Улар нафақат концептуал, балки амалий жиҳатдан ҳам аниқ йўналишларга эга экани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари таклиф этган Савдо ва инвестициялар бўйича минтақаларо кенгаш — Марказий Осиёдаги йирик иқтисодий лойиҳалар портфелини шакллантириш, инвестиция оқимини кўпайтириш ҳамда Бош вазир ўринбосарлари даражасида мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш учун зарур институт сифатида қаралмоқда. Ийгилишнинг илк мажлисини айнан Ўзбекистонда ўтказиш таклифи мамлакатимизнинг бу борадаги лидерлик салоҳиятини яна бир бор тасдиқлайди.

Шунингдек, “Рақамли Ипак йўли” кўп томонлама савдо платформасини яратиш ташаббуси – минтақавий электрон тижорат, “ақлли” логистика, божхона интеграцияси каби замонавий механизмларни шакллантиришга хизмат қилади. Бу лойиҳа айниқса, Ўзбекистон каби ўзининг IT секторини фаол ривожлантираётган давлатлар учун улкан имкониятлар эшигини очади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир муҳим таклиф – Тошкентда минтақавий сертификатлаш ва стандартлаштириш марказини ташкил этиш. Ушбу марказ Хитой талабларига мос экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқиш, техник регуляцияларни уйғунлаштириш ва савдони соддалаштириш орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларини глобал бозорга олиб чиқишда беқиёс аҳамият касб этади.

Энг долзарб ва истиқболли йўналишлардан бири, бу сунъий интеллект ва рақамли инфратузилма асосида трансчегаравий платформаларни яратишдир. Бугун рақамли трансформация — иқтисодиётнинг юраги. Шу боис, интеграциялашган банк тизими, оптик толали интернет тармоқлари ва электрон тўлов каналлари орқали барқарор рақамли инфратузилмани шакллантириш — эртанги рақобатбардош иқтисодиётнинг пойдевори бўлиши шубҳасиз.

Яна бир эса қоларли ташаббус — “Ипак йўли маданий мероси” портали бўлиб, бу нафақат минтақавий маданий дипломатияни мустаҳкамлаш, балки илмий ва ижодий алмашинувни рағбатлантирувчи замонавий платформа сифатида хизмат қилади.

Умуман олганда, Президентимиз томонидан илгари сурилган ҳар бир ташаббус — нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг келажаги учун барқарор, очиқ ва натижадор ҳамкорлик моделини яратишга қаратилган. Биз парламент аъзолари сифатида ушбу ташаббусларнинг халқаро ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уларни қонунчилик даражасида қўллаб-қувватлаш ва кенг жамоатчилик орасида тушуништириш ишларида фаол бўлишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Марказий Осиё – Хитой ҳамкорлиги бугун янги мазмун касб этмоқда. Ўзбекистон эса бу ҳамкорликда ташаббускор ва ишончли шерик сифатида барқарор тараққиёт йўлида муҳим роль ўйнамоқда.

ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБОЙЖОН

O'zLiDeP ХАЛҚАРО
КОНФЕРЕНЦИЯДА ҚАТНАШДИ

Халқимиз “Тили бирнинг дили бир, дили бирнинг дарди бир” деган иборани бежиз навл эммаган. Зеро, мулоқотда қалбларга таниш сўзлар, умумий тарих, бир тил ва бир рух – Ўзбекистон ва Озарбойжонни боғлаб турадиган ришталар фақат дипломатик эмас, балки қалбларга ҳам дахлдор эканини эслатиб туради.



Туркий дунё деган муқаддас мафқуранинг ичида бу икки давлат ўзаро ишонч ва дўстликка таянади. Сўнгги йилларда ўзаро муносабатлар нафақат мустақамланган, балки янада янги мазмун касб этиб, сиёсий мулоқот тобора кучайиб бормоқда. Хусусан иқтисодий алоқалар мустақамланиб, маданий ҳамкорлик кенгаймоқда. Халқаро майдондаги ҳамжиҳатлик эса бу дўстликни глобал миқёсда юксалиб бораётганига яна бир мисолдир.

Озарбойжоннинг қадимий ва рамзий шаҳри — Шушада “Кўпқутбли жаҳон тартиби: геосиёсий жиҳатлар ва глобал чақириқлар” мавзусида халқ-

ро конференция бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли анжуман турли давлатларнинг етакчи сиёсий партиялари вакиллари, дипломатлар, таҳлилчилар ҳамда халқаро муносабатлар соҳасидаги мутахассисларни бир майдонга жамлади. Тадбирда жаҳон хавфсизлиги, барқарор ривожланиш ва глобал ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди, долзарб муаммолар муҳокама этилди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, партиянинг парламент кўйи палатасидаги фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов бошчилигидаги делегация ҳам мазкур анжуманда фаол иштирок

этди. Партия етакчиси конференцияда сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий устувор йўналишлари, жумладан, глобал муносабатларда адолат ва мулоқотни устувор, деб билувчи ёндашуви ҳақида атрафлича сўз юритди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакат ташқи сиёсатини тинчлик, яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва манфаатлар мувозанатига асосланган тамойиллар белгилаб бермоқда. Низоларни фақат тинч йўл билан ҳал қилиш, тенг ҳуқуқли мулоқотни йўлга қўйиш ва қарама-қаршилиқни бартараф этиш – бугунги Ўзбекистон дипломатиясининг устувор мақсадларидир.

Конференциянинг айнан Шуша шаҳрида ўтказилиши рамзий аҳамият касб этади. Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев тадбир иштирокчиларига йўлаган муносабатда Шуша – нафақат тарихий-маданий марказ, балки минтақа тинчлиги ва ҳамкорлиги йўлидаги сазъ-ҳаракатларнинг тимсоли эканини алоҳида таъкидлади. Унинг қайд этишича, Озарбойжон доимо адолатли жаҳон тартибини қўллаб-қувватлаб келмоқда ва Евроосиё маконда мулоқот ва ҳамкорлик муҳитини яратишга содиқдир.

Анжуман доирасида Ўзбекистон делегацияси бир қатор хорижий партиялар вакиллари билан икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказди. Ушбу мулоқотлар жараёнида партияларaro ҳамкорлик истиқболлари, қўшма ташаббусларни илгари суриш ва тажриба алмашиш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, O'zLiDePнинг бундай юқори даражадаги халқаро анжуманда иштирок этиши – Ўзбекистоннинг очиқ, конструктив ва тинчликпарвар ташқи сиёсий курсини халқаро миқёсда намоён этувчи яққол далил бўлди. Бу эса, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ошиб бораётганидан, дунё ҳамжамияти томонидан унинг тинчлик ва барқарорлик сари қаратилган сазъ-ҳаракатлари эътироф этилаётганидан далолат беради.

O'zLiDeP матбуот хизмати

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ВАКИЛЛАРИМИЗ
НУФУЗЛИ ФОРУМДА

Россиянинг Пермь шаҳрида Осиё сиёсий партиялари халқаро конференцияси (ICAPP) доимий кўмитасининг 43-йиғилиши ҳамда унинг доирасида “Евроосиё қитъасида ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйиш, барча учун баробар хавфсиз муҳитни шакллантириш масалаларига бағишланган ижтимоий-сиёсий эшитувлар” мавзусида форум бўлиб ўтди.

Мазкур мулоқотларда дунёнинг 50 га яқин давлатидан сиёсий партиялар раҳбарлари, парламентлар аъзолари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва экспертлар иштирок этди. Ушбу нуфузли анжуманга партияимиз ҳам тақлиф қилинган эди. Халқаро тадбирда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аппаратининг стра-тегик ва дастурий ҳужжатлар билан ишлаш департаменти раҳбари Сардор Марипов бошчилигидаги делегация қатнашди.

Форумнинг “Евроосиёдаги ҳамкорликнинг молявий-иқтисодий ва савдо-сотик соҳалари-

га оид жиҳатлари” деб номланган сессиясида O'zLiDeP вакили ҳам маъруза қилди.

Кенгайтирилган эшитувларда Россия Федерацияси жамоат ва сиёсат арбоблари, сиёсий партиялар лидерларининг маърузалари тингланди.

Қайд этиш жоизки, бу каби халқаро анжуманлар мамлакатимиз сиёсий партиялари билан хорижий сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётганини кўрсатмоқда.

O'zLiDeP матбуот хизмати

Ҳозир юртимизда айни пишиқчилик даври. Боғларимиз (кўча-кўчалардагилари ҳисобда йўқдир балки)да турфа хил меваларнинг эртагишар навлари ҳосилини кўз-кўз қилаётган палла. Деҳқон бозорлари пештахталари табиий витаминларга (дармондориларга) бой сархил мевалардан синай дейди. Нарх-навои сўраб ўтирманг, анча арзон. Болакайлар роса айрашяпти-да!

“Тут пишиғига етганлар”, дейилмиш қадим маталимиз замирида ҳам айнан инсон ризқ-насибаси бўлган мева-чеваларнинг тиркичилик занжирининг аҳамияти акс этган.

Ҳозир турли ўлчамдаги шиша идишлар билан савдо қилувчи савдогар аҳлининг бозори чаққон. Шакар нархининг шу кунларда айрим учар “пултопарлар” касрига қолиб осмонга “сапчиётгани” ҳам бежизмас. Талаб ва эҳтиёж энг чўққисига чиққан қишлоғу шаҳар аҳли ёз неъматларини қиш учун ғамлаш билан овора. Қозонларда данагидан ажратилиб, ювилган мевалар эрта тонгдан қора хуфтонга-ча биқирлаб қайнапти. Урик, шафтоли, гилос, олча, олхўри ва бошқа мевалардан шарбат, мурabbo тайёрлаш ҳар бир уй бекасининг ширин ташвишига айланган.

Баҳорнинг аввалида илиқ, сўнг кескин иссиқ келиши бизнинг Хоразм томонларда меваларнинг пишиб етилишини ҳар йилгидан кўра икки ҳафтача олдинга суриб юборди. Яна денг, бу йил ўриклар роса тарози босди. Бозорда бир килограмм сара ўриқнинг нархи беш-олти минг сўмдан ошмади. Агарда харидор боғдан ўзи териб олса, нархи яна икки қарра арзонга тушяпти.

Яқинда қутилмаганда воҳада рўй берган табиий офат: кучли шамол ортидан сел келиши (айрим ҳудудларда дўл ёғиши) оқибатида аксар боғлардаги мевалар ер билан битта бўлди. Айниқса, пишиб етилган ўрикларга жиддий зиён етди. Ҳозир боғларда дув тўкилган ўрикларни кўриб ичи ачийди одамнинг. Боғ эгалари эса исроф бўлган меваларнинг сарасини териб, шарбат ёки мурabbo қайнатмоқда, арзонгаровга бўлса-да, ноилож пуллагяпти. Эзилиб ётган ўрикларни аёллар тоғорага солиб, мағзини эзиб, данагини олишаётганини кўрдим.

Ён қўшнимнинг боғида ўн туп ўриги бор. Бу йил баргидан кўра ҳосили мўл бўлди. Уша кунги офатдан жиддий зарар кўрди. Неваралари билан тўкилган меваларнинг сарасини териб олди, эзилиб кетганлари... қўшнимнинг айтишича, “қурт-қумурсқанинг ризиқи” эмиш.

Бизнинг икки боғимиздаги ўн тўрт туп ўрик тақдирига ҳам шундай қисмат ёзилди. Келинлар уч кунки, эрта тонгдан қоронғи туш-гунча шарбату мурabbo қайнатиш билан банд. Ҳар кунни ўртача қирқ-эллик банка ёпишяпти. Ортиқчаларини қўшниларга улашдик, аммо...

Мен бор-йўғи беш-олти сотихлик боғимиздаги аянчли аҳволни сизга айтаяман. У ёқда боғдорчилик фермер хўжалиқлари аҳолига хавас қилиб бўлмади. Сўнгги йилларда пахта майдонлари қисқартирилиб, катта ер майдонлари боғ яратиш учун ажратиб

берилди. Сўнгги ўн йилда вилоятда боғдорчилик фермерлари сони деярли уч хиссага ошди. Бу ёқда янгидан боғлар яратилляпти. Айниқса, атамаси айнан “боғ” сўзидан олинган Боғот тумани бу борада илғор. Туман ҳар йили кузда 15 миллион АҚШ доллари миқдориди маҳаллий узумни хорижга экспорт қилади. Президентимиз ташаббуси билан тумани тўла боғдорчиликка ихтисослаштириш жара-

да замонавий технологиялар асосида мевалардан турли ичимлик ва истеъмолга яроқли маҳсулотлар тайёрлаш қийин жараён эмас. Масалан, кўп бора кўзимиз тушади, деярли ҳар йили пойтахтимизда муттасил равишда ўтказиладиган саноат янгиликлари кўргазмаларида ана шундай технологияларнинг энг сўнгги намуналари доимо намойиш қилиб келинади. Ижтимоий тармоқларда ҳам

ликда олма шарбати тайёрлаш Ҷеҳи ташкил қилган ва бу ерда тайёрланган табиий олма шарбатлари элнинг тўйи маъракалари дастурхонига кўрк бағишлагани ҳали-ҳали эсимда.

Тўғриси, аввалига ўзимизда тайёрланаётган табиий олма шарбати бозори роса қизиди: тўй-томоналар баҳонасида ёзилган дастурхонлар ана шу олма шарбатисиз тўқис кўринмай қолди ҳатто. Аммо бу ёқда ялтир-юлтир

Уларда барча ҳосилнинг неча фоизи қайта ишланиши мумкинлигини тахмин қилиш анча мушкул.

Яна бир тарафи, Хоразмнинг айрим ҳудудлари бошқа жойларда учрамайдиган мевалари билан машҳур. Масалан, Карвак олмаси ёки Хива наштависи (ноқининг кичикроқ тури) дан турли шарбат, мурabbo тайёрлаш, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ўзига хос бренд

Боғлардаги бойликларни бой бермайлик



ёни аста-секин амалиётга айлантирилмоқда.

Биламизки, ўрик, гилос, шафтоли, зардоли, олма-ларнинг эртагишар навларини қиш ойлари учун асраб қўйиш имкони йўқ. Тезпишар мевалар тез бузилади. Уларни, юқорида айтилганидек қайта ишлаб, турлик суюғу куюқ ҳолатдагина истеъмол учун сақлаш мумкин. Бу ишларни хонадон эгалари ота-боболаридан қолган усулларда имконлари қадар бажаришяпти.

Лекин исроф бўлаётганлари учун ким, қайси ташкилот қайғуриши керак? Ҳўл меваларни қайта ишлашни саноат даражасига олиб чиқиш вақти келмадими? Ҳозирги кун-

айнан шундай ускуналар рекламалари тинимсиз айланиб ётибди. Қолаверса, ҳозирги илғор технологиялар катта ҳажмга эга эмас. Икки-уч хонали биноларда мини-цехлар ташкил қилиш кўп даромад талаб ҳам қилмайди. Яъни, имкон бор, имконият бор, мутахассислар ҳамма топилди. Фақат иштиёқ керак, шу соҳани кенгайтиришга аҳд қилган тадбиркорларни моддий ва маънан қўллаб-қувватлаш керак бўлади, холос.

Бундан йигирма йилча аввал машҳур деҳқон, Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф ака Қувоқовнинг тўнғич ўғли Бектурди Қувоқов отаси узоқ йиллар раҳбарлик қилган хўжа-

қоғоз идишларда нафақат олма, балки бошқа мевалар “шарбати” деганлари пайдо бўлди-ю, табиий олма шарбати бозори касодга учради қолди. Сабаб, ҳар икки маҳсулот нархи орасидаги фарқнинг катталиги эди.

Этибор беринг, ўша қоғоз идишлардаги бир литрлик “шарбат”нинг нархи бир килограмм олма нархидан арзон. Аслида-чи? Бир литр шарбат пайдо бўлиши учун камида тўрт килограмм олма керак бўлишини биласизми? Демак, “табиий” деган ёрлик ёпиштирилган ўша “шарбат”да фақатгина олма қурғурнинг таъми ё ҳиди бор, холос. Қолганлари сув ва бошқа ҳар хил қўшиндилардан иборат. Энди қай бири олтидан ҳам қиммат соғлиғимиз учун фойдали эканини билиб олаверинг!

Тўғри, ҳозирги кунда Боғотда яна олмадан табиий шарбат ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилди. Нархи ҳам сифати, тўйимлилиги, шифобахшилиги сабаб сунъий шарбатлардан андаккина қимматроқ.

Беш-олти йилдан буён айни пишиқчилик вақтида водийлик тадбиркорлар Хоразмга келишди ва турли ўрикларни арзонгаровга халид қилиб, шу ердаги бўш майдонларда қуришти, туршакка айлантиришади. Афсуски, улар ҳам аҳоли боғларида пишиб етилган ўриқнинг кўпи билан ўн-ўн беш фоизини шу тахлит қайта ишлаш имконига эга, холос. Одамларнинг ўзлари эса кўпи билан яна шунча фоиз ўриқни туршак қила олиши мумкин. Қолган мевалар фойдасини...ҳалиги ён қўшим айтганидек, туоли ҳашаротлар кўряпти!

Боғот туманида етиштирилаётган маҳаллий нав узумларни қайта ишлаш ва хорижга мурabbo, шарбат ва бошқа тайёр маҳсулот кўринишида экспорт қилиш мақсадидан икки минг тонна узумни қайта ишлаш корхонаси қуриш давлат дастурига киритилганига тўрт йилча бўлди.

Ҳозир вилоятимизда меваларни қайта ишлаш корхона (цехлари) сони жуда кам.

МУАММО ВА ЕЧИМ

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” муҳбири

ХАЛҚНИНГ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ МАЖБУРИЯТДИР



Муқаддасхон АҲМЕДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

раҳбарлар фаолияти жиддий таҳлил этилди ва мутасаддилар аҳоли билан мулоқотни тўғри ташкил қила олаётгани, йўқми, деган саволларга атрафлича жавоб изланди.

Таҳлилларга кўра, ҳар бир тумандаги қирқдан зиёд ташкилотларда юзлаб ходимлар ишлайди. Лекин баъзи оддий масалаларни ҳал қилиш учун ҳам вилоятдан, улар эса республикадан рухсат олиши керак. Ёки ваколати ва маблағи етарли бўлган ташкилотлар ўзини “назоратчи” деб билиб, аҳолининг оғирини енгил қилиш билан шуғулланмаяпти.

Бундан бир неча йиллар аввал Тошкент шаҳрида “Халқ назорати” электрон портали йўлга қўйилган эди. Бу орқали фуқароларнинг муаммоларни эмин-эркин баён қилиб, фикр-мулоҳазаларини билдириш имконияти яратилган. Бугун ушбу тизим ўзини оқлади, эндиликда бутун республикада ишга туширилган бўлди. Бу тизим мурожаатларнинг ягона платформаси бўлади ва унга барча вазирлик, идора, ҳокимликлар уланади.

Йиғилишда таъкидланганидек, кейинги пайтларда Халқ қабулхоналари аҳоли дардини эшитиб, масалаларни ҳал қилиш ўрнига, мурожаатларни давлат ташкилотларига тақсимловчи воситачига айланиб қолгани рост. Буни жойлардаги муаммолар ҳал бўлмагани учун ижтимоий тармоқлар орқали чиқишлар сони кўпайганидан ҳам билиш мумкин. Шу боис давлатимиз раҳбари аҳолининг дарду ташвишларини эшитиб, одамларга қулай шароит яратиб бериш уларнинг асосий вазифаси эканини яна бир бор эслатди.

Дарвоқе, аҳоли учун янада аҳамиятли томони шундаки, Халқ қабулхоналари таркиби фидойи мутахассислар билан тўлдирилди. Энди унга вилоят ва туман ҳокимининг ўзи раҳбарлик қилади. Бу нима дегани? Бу ҳоким ва аҳоли ўртасидаги кўпик янада мустаҳкамланади, дегани. Улар ҳар куни ишчи аҳоли дарди ва ташвишини эшитишдан бошлаш, бугунги муаммони кейинга ўтказишга йўл қўймаслиги, мурожаатни бошқа идорага юбормасдан, шу жойнинг ўзида ҳал қилиши, албатта, фуқароларимиз учун айни мудабо бўлди. Ўз навбатида, бунинг учун туман ҳокимларининг ваколатлари ҳам кенгайтирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу борада қатор ташаббусларни ҳам илгари сурди. Гап шундаки, эндиликда туманларда ёндашув ҳам, бошқарув тизими ҳам ўзгаради. Мажлисада қайд этилганидек, бу йил Сурхондарё вилоятида ҳамда 16 та ҳудудда янгича бошқарув жорий этилади. Яъни, иқтисодиёт ва молия, инвестиция, қишлоқ хўжалиги, бандлик, қурилиш, экология, маданият, оила ва хотин-қизлар, ёшлар масалалари бўйича 9 та давлат идорасининг туман бўлими ҳокимлик тизимига ўтади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳоким ва унинг ўринбосарлари самарадорлик кўрсаткичларини тўлиқ бажарса, кейинги йил ҳудудга бериладиган маблағ 10-15 фоиз кўпайтирилади. Акс ҳолда, маблағ оширилмайди ва масъул раҳбар ишдан кетади. Туманда соҳа мутасаддилари ва етакчи тадбиркорлардан иборат “Ислохотлар штаби” тузилади. У орқали маҳаллалар кесимида лойиҳа, инфратузилма, молиявий манба, кадрлар масаласини қамраб олган уч йиллик дастур тайёрланади. Келгуси йил учун бюджет, инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат, инвестиция ва бандлик дастурлари шу асосда тасдиқланади. Мазкур янги тажриба натижаларига қараб келгуси йилдан бутун мамлакатимиз бўйлаб йўлга қўйилиши кўзда тутилган.

Бу ҳаёлий ҳаракатларнинг барчаси юртимизда инсон қадрини улуғ эканлигининг исботидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини, унинг дарди ва умиди турганини унутмаслигимиз керак. Халқнинг дарди билан яшаш биз учун мажбурият.



Тўғчи ЁҚУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Президентимиз видеоселектор йиғилишида кўтарган масалалар маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бугун ечимини кутаётган муаммоларга қаратилди, десак муболаға бўлмайди.

Ҳақиқатдан, айрим ҳолатларда туман раҳбарлари жойларда вилоят, республика даражасида ечилмаган масалаларни вилоятдаги раҳбарига айта олмайди, республика даражасидаги раҳбаридан эса муаммони яширишга, муаммо чиқармасликка ҳаракат қилишга. Оқибатда оддий масалалар ҳам йиллар давомида муаммолигига қолаверади. Йиғилишда айнан ушбу масалалар ва уларнинг ҳуқуқий ечимлари ҳақида сўз борди, ҳокимларнинг ваколатлари янада оширилиши белгиланди.

Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек: “Туман ҳокимлари уларга 100 дан ортиқ қонун ва қарорлар бўйича 500 га яқин функция юклатилган бўлсада, яримдан кўпини билмайди. Комплекс ривожлантиришга масъул идоралар фақат кундалик топшириқларни бажариш билан банд”. Афсуски, кундалик вазифаларга, “йўл ёқасини тозалаш” ишларига кўп вақт сарфлаяпмиз. Натижада аҳолини камбағалликдан чиқариш, бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини ошириш, ҳудудга инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига эътибор сусайиши баробарида аҳолининг соғлиғи, миллий генофонд, таълим-тарбия, маънавият, маърифат, ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш масалаларига эса вақт етмай қолаётганга ўхшайди.

Айрим ҳолатларда узоқни кўзлаб “режали, тизимли иш ташкил этиш” билан “қоғозбозлик” жумлаларини фарқламаймиз. Гўёки, масалалар ечимини юзасидан режалар тузиш, ишларни тизимлаштириш, ҳар бир масаланинг “эга-кесими”ни белгилаш қоғозбозлиги, муаммонинг вақтинчалик ечимини тезкорлик билан излаб топиб ва кимгадир яхши кўриниш амалий натижадан бўлиб қолмоқда. Ҳокимликларга бирор долзарб масала юзасидан хат юборсанг, жавобини вақтида ололмастлигиндан хавотирланасан киши. Уша масала ортида фуқаро, унинг оиласи, инсонларнинг дарду-ташвишлари турганини чуқур ҳис этмаётганимиз

ташвишларидир. Натижада оддий фуқаролар юқори идораларга, халқ вакилларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар. Нима учун ҳудуднинг эгаси, давлат раҳбарининг таъбири билан айтганда “Президент вакили” бор жойда, ҳокимликка тегишли масалаларда шу ҳудуд фуқаролари бошқа идораларга мурожаат қилиши керак? Ҳудуд ишониб топширилган масъулларга бу ҳолатлар ноқулайлик туғдирмай қўйганга ўхшамаяптими?

Президент топшириғига кўра, ижро интизомига Ҳисоб палатаси масъул этиб белгиланаётганлиги кимгадир қўшимча ваколат бериш эмас, мажбурий чора, деб қаралмоғи даркор. Халқ қабулхоналарига вилоят ва туман ҳокимининг ўзи раҳбарлик қилиши, улар ҳар куни ишчи аҳоли дарди ва ташвишини эшитишдан бошлаш, мурожаатни бошқа идорага юбормасдан, шу жойнинг ўзида ҳал қилиши кераклигига берилаётган урғу ҳокимлик институти тақомиллаштиришга, халқнинг уларга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Давлат раҳбари маърузасида “...туманларни бошқаришининг янги тизимини жорий этиш бошланади. Бу тизим йил якунигача Сурхондарёда тўлиқ, қолган ҳудудларда жадал ривожлантириш белгиланган 15 та туман ва шаҳар — Қўнғирот, Чимбой, Асака, Ёқдўвон, Галлаорол, Яқкабоғ, Хатирчи, Чортоқ, Булунгур, Сирдарё, Қува, Шовот, Ҳазорасп туманлари, Марғилон ва Янгиёул шаҳарларида, Тошкент шаҳрида эса Бектемир туманида жорий қилинади”, деди.

Таъкидлаганимизча, бундан буён ҳоким қайси йўналишлар бўйича ўринбосари бўлишини ҳудуднинг ривожланиш режасига қараб ўзи белгилайди, ҳоким ўринбосарига аниқ вазифалар юклатилиб, ҳар бир вазифа ва функцияси маблағ билан мустаҳкамланади. Яна бир аниқлик ҳокимларга 9 та идоранинг шартларини тақсимлаш, ходимларни ишга қабул қилиш ва лавозимдан овоз этиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилди.

Бу эса ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун қўллаш керак бўлган муҳим дастак, деб қараш керак. Иккундан фойдаланиш учун эса бор салоҳиятни ишга солмоқ талаб этилади.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ДОИРАСИДА



Абдулло АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Видеоселектор йиғилиши мамлакатимизда бошқарув тизимини тубдан ислох қилиш, аҳоли дардига қулоқ тутиш ва муаммоларни тезкор ҳал этиш борасида янги босқични бошлаб берди. Йиғилишда охириги 5 ой ичида санаётнинг 6,4 фоизга, экспортнинг 18 фоизга ва хорижий инвестицияларнинг 46 фоизга ошгани таъкидланди. Бу кўрсаткичлар ўзгариш бўлаётганини кўрсатса-да, амалда ҳал этилмаётган муаммолар бизни ҳали узоқ йўл кутаётганини аниқлатади.

Президентимиз, айниқса, ҳудудий ташкилотлар ва марказий идоралар ўртасидаги мувофиқлаштиришдаги сустраслик, ваколатларнинг ноаниқлиги ва ташаббус етишмаслиги юзасидан жиддий танқидлар билдирди. Масалан, темир йўл шлагбауми каби оддий масалани ҳал қилиш учун бир неча босқичли рухсат олиш тизими мавжуд. Бу минглаб фуқароларнинг кунлик ҳаётига салбий таъсир қилмоқда. Айнан мана шундай майда туюлган,

аммо халқ учун катта аҳамиятга эга масалаларда амалдорлар ташаббус кўрсатмаётгани алоҳида тилга олинди.

Барча раҳбарлар – ҳокимлар, вазирлар, туман ва вилоят идоралари эндиликда топшириқ кутмасдан, мавжуд имконият ва хавфларни олдиндан кўриб, проактив ёндашув асосида ҳаракат қилиши зарурлиги қатъий белгилаб берилди. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан бевосита, очик ва тез-тез мулоқотда бўлиш, уларнинг талаб ва тақлифларига тезкор жавоб қайтариш раҳбарларнинг асосий вазифаси экани яна бир бор таъкидланди.

Шунингдек, “Халқ назорати” электрон платформаси орқали аҳолининг муаммоларини жойида ҳал қилиш, ҳокимлар фаолиятини кунлик асосда қўллаш тизими жорий этилмоқда. Бу тизим билан эндиликда ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини, оилавий муаммо, умид ва ишонч тургани эътиборга олинди.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН АКЦИЯ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ

Бугунги глобал иқтисодий муҳитда тадбиркорлик – фақат пул топиш воситаси эмас, балки давлат тараққиётининг таянчи, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий пойдевори ҳисобланади.

Мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Шу маънода, O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар масалалари ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда Чилонзор туман кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган “Тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам” акциясида ишбилармонлар ўзларини қийнаётган масалалар, қонунчиликдаги айрим ўз-



гаришлар, амалиётда юзага келаётган тўсиқлар хусусида фикр билдиришди. Жумладан, муҳокамаларда қурилишга рухсат олиш, лицензиялаш жараёни, бўш ер ва биноларни тадбиркорликка ажратиш, коммуникация тизимларига уланиш билан боғлиқ бюрократик тў-

сиқлар танқидий таҳлил қилинди. Йиғилишда мутахассислар томонидан берилган аниқ ҳуқуқий маслаҳатлар, янги имконият ва преференциялар ҳақидаги маълумотлар тадбиркорларга маъқул бўлди. Шунингдек, мамлакатимизда оғир

индустрияни ривожлантириш, катта корхоналар атрофида ўрта ва кичик ишлаб чиқарувчиларни шакллантириш зарурлиги таъкидланди.

Фикр алмашув давомида тадбиркорлик соҳасидаги яна бир долзарб масала – кадрлар танқислигига алоҳида эътибор қаратилди. Бир қатор юқори малакали ишчи касб эгаларининг етишмаётгани айрим корхоналар фаолиятига жиддий таъсир қилаётгани қайд этилди. Шу муносабат билан тадбиркорларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш марказларини кўпайтириш, бизнес-режа тузишни ўргатиш бўйича миллий дастур ишлаб чиқиш зарурлиги тақлиф қилинди.

Тадбир якунида янги бизнесга қадам қўётган ишбилармонларга йўл-йўриқ кўрсатилди, тегишли давлат идоралари билан алоқаларни йўлга қўйишда амалий ёрдам тақлиф этилди.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

O'zLiDeP Хонқа туман кенгаши ташаббуси билан “Агробанк”нинг ушбу туман филиалида ташкил этилган “Тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам” акцияси соҳа муаммоларини тинглаш ва амалий ечим топиш мақсадида ўтказилди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган учрашувда “Лобар-Сабохат” фермер хўжалиги вакили Шокир Қурбонов сўзга соҳасидаги муаммолар ҳақида фикр билдирди. У фермерлар олдига турган қийинчиликлардан бири – кредит қарзларини суғурта қилишдаги тўсиқлар эканини тилга олди. Жавобан мутахассислар агросуғурта соҳасида янги механизмлар жорий этилаётганини, фермерлар ҳар бир

шартномани теран ўрганиб, суғурта компаниялари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиши лозимлигини таъкидлашди.

Ёш тадбиркор Оғабек Машарипов эса ўз бизнесини кенгайтириш мақсадида 100 миллион сўмлик кредит оlishда дуч келаётган тўсиқларни очикча баён этди. Мебель ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган бу ёш тадбиркорга банк раҳбари қонуний рўйхатдан ўтмасдан ҳеч қандай молиявий кўмак кўрсатилмаслиги, аввало, яқка тадбиркор сифатида расмий мақомга эга бўлиши кераклигини тушунтирди.

Тадбир давомида ҳуқуқшунослар, банк ходимлари ва партия фаоллари томонидан берилаётган маслаҳат ва кўрсатмалар тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйишга хизмат қилди.

O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати

ҚОНУНЛАР ЭЛ ИЧИДА ЯРАТИЛАДИ

Ҳақиқий ислоҳот – бу қоғозда эмас, ҳаётда амалга ошириладиган ўзгаришлар, бунёдкорликлар ҳамда ўз навбатида одамларни қийнаётган айрим муаммоларга ижобий ечим изланаётгани ва бундан розилик туйиш билан ўлчанади, албатта. Шу маънода Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзолари ҳамда О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси вакиллари, маҳаллий кенгаш депутатларининг шу йил баҳор ойларида Сирдарё ва Хоразм вилоятларида олиб борган ўрганишлари, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлари яхши натижа бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИнинг Сирдарё, Сайхунбод, Боёвот, Сардоба, Мирзаобод туманлари ҳамда Ширин ва Гулистон шаҳарларида фаолият юритаётган фермерлар, тадбиркорлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар билан жами 31 та учрашув ўтказилиб, ушбу учрашувларда 1100 дан ортиқ фуқаролар иштирок этди. Бу эса нафақат ҳисобот, балки тўғридан-тўғри мулоқот, муаммони эшитиш ва унга ечим излаш майдонига айланди.

Ҳар бир ҳудудда тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга ошириладиган ишлар ўрганилиб, ислохотларнинг ҳаётга қандай татбиқ этилаётгани юзасидан ҳолис фикрлар тинланди. Масалан, Сайхунбод туманидаги “Гулбулоқ чашмаси” МЧЖ нафақат гилам цехи фаолиятини йўлга қўйган, балки маҳалланинг боғча ва мактабларини тоза ичимлик суви билан таъминлашга ҳам ҳаракат қилаётгани бу давлат ва ҳусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик самарасини кўрсатиб турибди.

Сирдарё туманидаги “WANG-DA GROUP” Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси, “InterMilk” МЧЖ ва “Султон” фермер хўжалиқларида амалга ошириладиган ишлар ўрганилди.

Бундан ташқари, Боёвот туманида маҳаллий кенгаш депутатлик гуруҳи аъзолари, тумандаги 14-мактаб ўқитувчилари, “Озодлик” МФЙга қарашли хонадонларда томирчиликни ривожлантириш, маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича қилинган ишлар юзасидан мулоқотлар ташкил этилди. “Боёвот технопарк”да аҳоли томирчилари учун оқар сув таъминотини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имкониятлар ва “Аҳмадий” фермер хўжалигида аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари ўрганилди.

Қолаверса, Сардоба ва Мирзаобод туманларида маҳаллий кенгаш депутатлари ва партия фаоллари иштирокида “Абдулла Қодирий” фермер хўжалигидаги муаммолар, “Тоза ҳудуд” ДУК фаолияти билан боғлиқ муражаатлар таҳлил этилди. Фуқаролар томонидан кўтарилган муаммолар турлича бўлса-да, уларнинг барчаси бир нуқтада – оддий инсон манфаатлари йўлида ислохотлар қай даражада самара бераётгани масаласида умумлашади. Тўғри, бу борада кўлаб, эътирофга лойиқ ишлар ҳам бажарилган. Аммо олданда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар ҳам кам эмас.

Эътиборли жиҳати, ушбу учрашув ва очик мулоқотлар давомида қуйидаги муаммолар ўртага ташланди:

- **Электр таъминоти корхоналари томонидан огоҳлантирилмаган ва асосий равишда электр таъминотидаги узил-пишиллар ҳамда бунинг натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг яроқсиз бўлиб қолиши ва катта зарар кўрилиши;**

- **Фуқароларнинг чорва моллари учун яйловлар йўқлиги, мавжудларидан фойдаланишга рухсат берилмаётгани;**
- **Тадбиркорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларда ҳам муддати ўтган дебитор қарздорлик учун жаримлар қўлланилиши;**

- **Контрагент айби билан товар етказиб берилмагани ёки тўлов амалга оширилмаган ҳолатларда маҳаллий тадбиркорларга нисбатан молиявий жаримлар қўлланилиши;**
- **Фермерлар ва банк ўртасида ўзаро шаффоф алоқаларнинг ташкил этилмаётгани;**
- **Кичик ва ёшлар саноат зоналари ажратилган ер майдонлари ердан фойдаланиш тоифаси қишлоқ хўжалиги тоифасида бўлгани сабабли, қадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ишлари тўхтаб қолиши. Бу эса корхона-**



ларнинг расмий фаолиятини бошлашига тўсқинлик қилмоқда;

- **Йўналишсиз таксилар ҳайдовчиларига қўйиладиган талаблар доирасида лицензия варақасида кўрсатилган ҳудуд автотранспорт воситасига берилган давлат рақами белгиларининг ҳудудий кодларига келиб чиқиб аниқланиши, Тошкент шаҳрида таксичилик фаолияти билан шуғулланаётган ҳайдовчилар учун тўсқинлик қилмоқда;**
- **Давлат хизматлари марказлари томонидан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказишда инсон фактори сабабли хатоликларга йўл қўйилиши. Масалан, банкротлик аризаларини тасдиқлашда ходим томонидан адашиб бошқа талғам босилиши натижасида тадбиркорлик субъекти тикланиб кетиши ёки акси содир бўлиши...**

Юқоридаги масалаларга ўз вақтида самарали ечим топиш мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилди:

- **Интернет ёки телекоммуникация тармоқлари орқали фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига юридик манзил сифатида виртуал офисини ёки таъсисчисининг турар жойини кўрсатишга рухсат бериш;**
- **Электр ва газ таъминоти корхоналари томонидан огоҳлантирилмаган ўчирилган ҳолатларда етказилган зарарни ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқиш. Бундан онлайн платформа орқали қайд этиш ва далолатномалар расмийлаштириш имкониятини яратиш;**
- **Балиқчилик соҳасидаги тадбиркорлар учун май-октябрь ойларида электр таъминотидан узви амалиётга чек қўйиш, қарздорлик тўловларини мавсум якунида амалга ошириш имконини яратиш;**
- **Хуқуқий бузилган шахс суд жараёнини мамлакатнинг исталган ҳудудда кўрилишини талаб қилиш имкониятини яратиш шуллар жумласидан.**

Қайд этиш жоизки, кўтарилган айрим масалалар, амалдаги қонунчилик нормаларига қўшимча ва тузатишлар киритишни тақозо этаётгани ҳам бор гап. Хусусан, оилавий тадбиркорлик субъектларига коммунал инфратузилмадан аҳоли учун белгиланган тарифлар асосида фойдаланиш имкониятини бериш “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”-ги қонуннинг 28-моддасига, масофавий фаолият юритувчи тадбиркорларга виртуал офис ёки таъсисчисининг турар жойини юридик манзил сифатида кўрсатиш имконини бериш мақсадида Фуқаролик кодексига, йўналишсиз таксилар учун ҳудудий кодларга оид талабини бекор қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2025 йил 2 апрелдаги 200-сонли қарорларига қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш лозимлиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, электр ва газ таъминотидан огоҳлантирмасдан ёки сабабсиз узиш ҳолатлари ортдан етказилган зарарни ҳисоблаш тартибини тасдиқлаш мақсадида ҳамда

давлат хизматларида инсон фактори сабабли юзага келган хатоларни маъмурий орган томонидан низосиз ҳолатларда тузатиш имконини бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқиши белгиланди.

Эътиборли томони, мазкур қонун лойиҳаларини амалга ошириш жараёни давлат бюджетидан қўшимча харажатларни талаб этмайди. Шу билан бирга қонун лойиҳалари маъқулланган тақдирда, тегишли вазирлик ва идораларга келишиш учун тақдим этилиши қайд этилди.

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳамда бошқа долзарб масалалар юзасидан жамоатчилик назорати тадбирларини ўтказиш режа-жадвали”нинг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида ХОРАЗМ ВИЛОЯТИда фаолият олиб борган ишчи гуруҳ таҳлилларига назар ташлаймиз.

Авалло, партиянинг ушбу сазъ-ҳаракати фуқаролар манфаатларига дахлдор масалаларни кенг жамоатчилик иштирокида ўрганиш, назорат қилиш ва ҳал этишга қаратилган муҳим ташаббус бўлиб, бу жараён Президентимизнинг ўтган йили Хоразм вилоятига қилган ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижроси доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар билан узвий боғлиқдир.

Бу нафақат давлат бошқарувида шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларини янада мустаҳкамлаш, балки жойларда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда амалий жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Хусусан, Хоразм вилоятида 89 минг нафар аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли шартларда 100 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратиш, бу орқали 5,5 минг нафар тадбиркорни қўллаб-қувватлаш ҳамда 50 мингта доимий иш ўрни яратиш, шунингдек, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш учун 11,5 трлн сўм кредит ажратиш белгиланган эди.

Табиики, бу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда 2024 йил якунига қадар 9 141 та лойиҳани молиялаштириш учун 1,5 трлн сўмлик кредит ажратиш ва ушбу асосда 50 минг янги иш ўрни яратиш бўйича режа-тақсимот тасдиқланган.

Шу билан бирга, “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш дастури” доирасида маҳаллалардаги 5 минг 600 нафар тадбиркорга 1,5 миллиард сўм миқдоридан, “Бизнесга биринчи қадам” дастури бўйича эса 93,5 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. На-

тижада ажратилган кредитлар ҳисобидан 62,5 минг нафар аҳоли доимий иш ўринлари билан таъминланган.

Мулоқотда тижорат банклари томонидан жами 143 минг субъектга 11,5 трлн сўмлик кредитлар ажратилгани қайд этилди. Жумладан:

- 10 трлн сўм миқдоридан 104 896 та тижорат кредити;
- “Бизнесга биринчи қадам” дастури бўйича 93 млрд сўм миқдоридан 8 802 та кредит;
- “Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш комплекс дастури” доирасида 503 млрд сўм миқдоридан 5 118 та кредит;
- “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” дастури асосида 512 млрд сўм миқдоридан 24 275 та кредит ажратилгани аниқланди.

Ҳисоботда келтирилган маълумотлар депутатлар томонидан муҳокама қилиниб, йўл қўйилган айрим камчиликлар таъкид қилинди.

Жумладан, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси (Ж. Абдурахимов) ахборотида қайд этилган 13 та пахта-тўқимачилик кластерларида яратилган 90 250 та иш ўринининг асосий қисми – 77 523 нафари яъни 85 фоизи мавсумий бўлиб, доимий иш ўринлари сони нисбатан кам экани депутатлар эътирозига сабаб бўлди.

Масалан, “Textile Finans Khoresm” МЧЖда 8 983 нафар фуқаро иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг фақат 1 000 нафари доимий иш ўрнига эга, қолган 7 983 нафари яъни 88 фоизи терим мавсумида вақтинча бандликка жалб этилган.

Масалан, Шовот туманида “Агро кимё” корхонасининг бўш турган ер майдонида умумий 20 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 40 та автобусга мўлжалланган автосарой, автосервис ва автотураргоҳ барпо этиш ҳамда ушбу объектларни тадбиркорларга реализация қилиш топширилган эди. Ўрганишлар давомида мазкур лойиҳа “KHOREZM INVEST PROJECT” инвестиция компанияси таъсисчиларида ташкил этилган “SHOWOT LOGISTIC SERVICES” МЧЖ томонидан амалга ошириладигани маълум бўлди. Объектни барпо этиш учун зарур қурилиш материаллари захираси яратилган бўлиб, ҳозирда қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Аниқланишича, бугунги кунга келиб, қурилиш ишларининг 30 фоизи бажарилган. Шунингдек, пудрат шартномасига мувофиқ, қурилиш ишлари жорий йилнинг III чораги бошида тўлиқ аниқланиши белгиланган. Вақт эса кутиб турмайди.

Бундан ташқари, Шовот туманида гўшт, сут ва терини қайта ишлашга йўналтирилган 70 миллиард сўмлик, минг бошли чорвачилик кластери ташкил этиш бўйича берилган топшириқ ижроси юзасидан “Азизбек Реймбоев” фермер хўжалигига 135 гектар экин ер майдони ажратилган. Бугунги кунда мажор хўжаликда 2 000 бошга яқин насли қорамоллар боқилмоқда. Шу билан бирга, гўштни қайта ишлаш ишлаб чиқариш заруратидан келиб чиқиб, хўжалик томонидан гўшт, сут ва тери маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилган. Айни пайтда хўжаликда 150 нафар киши доимий иш ўринлари билан таъминланган, бундан ташқари, мавсумий эҳтиёжга кўра яна 50 нафар ишчи жалб этиб келинаётгани маълум қилинди.

Шунингдек, Хонқа туманидаги эски машина-трактор парки негизда умумий қиймати 125 миллиард сўм бўлган 55 та мебель цехини ташкил этиб, уларни “тайёр бизнес” шаклида тадбиркорларга тақдим этиш белгиланган эди. Мазкур ташаббус доирасида туркиялик мутахассислар жалб этилиб, ҳамкорликда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқариладигани маълум қилинди.

Ўрганишлар якуни бўйича О'zLiDeP Хоразм вилояти кенгашида кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда депутатлар иштирокида Жамоатчилик эшитиш ташкили этилди. Унда вилоят Иқтисодий ва молия бош бошқармаси (Ҳ. Озодов), Марказий банк Хоразм вилояти бош бошқармаси (К. Курбанов), АТ “Алоқабанк”нинг Хоразм вилояти филиали (С. Маткаримов)нинг ахборотлари тинланди.

Йиғилиш якунида тақдим этилган ҳисоботлар таҳлил қилиниб, мавжуд камчиликлар кўрсатиб ўтилди ҳамда мутасадди ташкилотларга қуйидаги таклифлар илгари сурилди:

- **мавсумий бандликни доимий иш ўрни сифатида кўрсатиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, ҳар чоракда депутатлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида танлаб олинган корхоналар фаолиятини жойига чиқиб ўрганиш амалиётини жорий этиш, масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда ягона электрон рўйхат юритиш;**
- **тадбиркорлар билан бевосита ишлайдиган банклар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида мувофиқлаштирувчи платформа ташкил этиш ҳамда ҳар чорак якунида амалга оширилган ишлар бўйича маҳаллий кенгаш депутатларига ҳисобот тақдим этиб бориш ва бошқа билдирилган таклифлар асосида тегишли соҳалар кесимида қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан тасвиялар берилди.**

Юқорида баён этилган ташаббуслар ўз моҳияти билан оддий бир ҳақиқатни исботлайди – қонунлар фақат кабинетларда эмас, балки халқ ичида, уларнинг талаб ва таклифлар, истаклари асосида яратилмоғи лозим. Қоғоздаги ислохот эмас, халқимизни рози қилиши мумкин бўлган ўзгаришларгина ҳақиқий тараққиётни белгилайди.

Бир сўз билан айтганда, Сирдарё ва Хоразмдаги мулоқотлар шуни кўрсатдики, демак, халқ учун амалда ишлайдиган норматив-ҳужжатлар ниҳоятда зарур.

О'zLiDeP вакиллари томонидан олиб бориладиган изланишлар эл-улуснинг овозини эшитиш, уларни ҳаётини қонунларга айлантириш йўлидаги эзгу амалий қадамлардир. Бу – юрт тақдирига бефарқ бўлмаган сиёсатнинг, фуқаро дардини ўз дарди деб билган депутатлик маданиятининг ифодасидир.

Энди вазифа аниқ: халқнинг кўнглида қандай таклиф ва мулоҳазалар бор, шуларни обдан эшитиш, одамларнинг кўзларида нималар бор – шуларни кўра олиш ва асосийи, уларни жамулжам қилган ҳолда қонунларда акс эттириш бош мақсадимиздир.

О'zLiDeP матбуот хизмати материаллари асосида
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.



НУҚТАИ НАЗАР

УРУШ ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Бугун бутун дунё аҳлининг кўз-қулоғи Исроил-Эрон уруши ҳақидаги маълумотларга қаратилган. Биттагина савол барчани кийнапти: бу низо қачон тўхтайдими?

Энг сўнги хабарлар таҳлили хавотирга солади одамни: ҳолат шундай давом этаверса, бу даҳшатли инқирознинг охири ҳали-вери кўринмаяпти. Энг ёмони, ҳозирча уруш осмонда давом этмоқда.

Кенг кўламли қарама-қаршиликли ракета ҳужумлари ва "сўз отишмалари" давом этар экан, можаронинг боши берк кўчага кириб қолди. Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяхунинг инжиқликлари янада ошиб тушмоқда.

Куни кеча Оқ уйда миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчилари билан йиғилиш ўтказиб, Дональд Трамп Исроилга амалий дастак бериш-бермаслик бўйича фикрларини ўрганди. Хабарларда маслаҳатчилар орасида ҳам бирлик йўқлиги ҳақида гап борди.

Американинг YouGov тадқиқот компанияси аҳоли орасидан АҚШнинг Исроил-ЭИР урушига қўшилиши масаласида фикрларини ўрганган. 60 фоизи америкаликлар мамлакат армиясининг бу инқирозга қўшилишига қарши эканини билдирган бўлса, 16 фоиз киши Исроил томонида урушга кириш хайрхоҳлигини билдирган. Қизиқ томони, Трамп тарафдорлари, яъни республикачилардан бор-йўғи 23% ЭИР билан урушни қўллаган.

АҚШ урушга аралашай деса, Форс кўрфази давлатлари олдида тили қисик. Трамп илк хоржий сафари давомида ўн триллион доллар сармоя ундириши эвазига Саудия Арабистони, Қатар ва Бирлашган Араб Амирлиги раҳбарлари олдида ўзига мажбуриятлар олган. Улардан бири Эронга ҳужум қилишдан тийилши. Қолаверса, урушнинг бу мамлакатлар ҳудудига тарқалмаслиги шартли ҳам бор.

Трамп Эрон ядро дастури бўйича музокара-лар давом этаяпти, дея Исроилнинг Эронга ҳужумларини кечиктириб турди. Сабр узоққа чўзилмади. Ядро дастури Нетаньяхуга тинчлик бермаётганини кўп ва хўб қайтарди ва Эрон иқтисодийтини вайрон қилиш, ҳарбий кудратини синдириш учун амалий ҳаракатларини бошлаб юборди. Ғалабага осон эришман, деб чучварани хом санаб қўйганини кейин пайқайди.

Қарши тарафдан жавобнинг бу қадар кучли бўлишини кутмаганди. Отишмалар бу суръатда давом этса, Исроилнинг аҳоли танглашади. Унинг ҳаво ҳудудидан самолётлар учмаяпти. Асосий техника, эҳтиёт қисм, қурол-яроғ ва бошқа зарур нарсалар ҳаво йўли орқали етказиб турилар эди.

Денгиз йўлларида ҳам муаммо бор – Қизил денгиз ёпиқ, у ерда ҳусийлар турибди. Хайфа шаҳрини ЭИР тинмай ўққа тутмоқда. Бир қарашда Исроил қуршов ҳолатига тушиб қолмоқда.

Экспертларнинг таҳминларича, бу урушқоқ давлатнинг икки ҳафтага етадиган ҳарбий куч-қуввати қолган. Шунинг учун океанортдан дастак келмаса, Исроил ҳарбий ҳаракатларини тўхтатиши ёки ядро қуролини ишга солиши мумкин.

Кўриниб турибдики, Исроил четдан бериладиган ҳарбий ёрдамга жуда муҳтож. Хужумда иштирок этаётган F-15, F-16 ва F-35



ларнинг барчаси Америка маҳсулотли. Тўғри, ўзининг ҳам ўз ҳарбий саноати бор, аммо авиация АҚШга тегишли.

Айрим таҳминларга кўра, Исроилда 150 мингдан 200 минггача ядро аслаҳаси бор, улар "Иерихон-3" ракеталари ва бошқа воситалар орқали ҳаракатга тушишга ҳозир. Бундай вазиятда улардан қандай фойдаланиш керак, деган савол кўндаланг туради. Ҳар ҳолда унганча етиб борилмас...

Масаланинг бошқа томони борки, Исроил ЭИР нефтни қайта ишлаш, кимё заводларига жиддий ҳужум уюштирса, Техрон ҳам қараб ўтирмайди. Унинг оқибатида юзага келадиган экологик инқирозни тасаввур қилиб кўрингчи! Харитага боқилса, Исроилнинг кичик давлат эканини кўзга ташланади, зарари эса катта бўлади.

Маълумки, Нетаньяху лавозимини сақлаб қолиш учун доимий равишда ғалвалар-урушлар чиқариб туради. Ғазо сектори, Ливан ва қисман Суриядаги қабиҳликлар шулар жумласидандир. Энди эса Эрон...

Исроил халқи бу беқарорликларга яна қанча чидаркин, буни вақт кўрсатади, ҳолос.

Шундоғам мамлакатнинг ичида анчадан бери сиёсий инқироз давом этмоқда. Айниқса, Ғазодаги урушнинг чўзилиб кетганлиги жиддий қарама-қаршиликларга сабаб бўлмоқда. Собиқ ҳукумат раиси Эҳуд Ольмерт "Исроилнинг Ғазодаги амаллари ҳарбий жиноятга яқин. Бу мақсадсиз уруш, ундан муваффақиятга эришиб бўлмайди", деганди.

Хукмрон "Ликуд" ва ўта ортодоксал партиялар ўртасида диний ўқув юртлари талабаларини армияга чақирши масаласида жиддий тўқнашув юзага келганди.

Эронга қувватли ҳужумлардан бироз олдин муҳолифат навбатсиз сайловлар ўтказиш

тўғрисидаги қонунни ишлашга уринишди. Аммо... кутилган натижа чиқмади, қайтанга Нетаньяху мавқеини янада мустаҳкамлаб олди.

Энди Эроннинг аҳолини кўриб чиқсак. 2023 йилнинг охирида 1,4 км ва ундан узоққа уча оладиган, яъни Исроилга етиб борадиган ракеталар сони икки мингтага етгани расмий эълон қилинган эди. Икки йил ичида улар ошди-ми-йўқми – номаълум.

Ғарб матбуоти хабарларида ЭИРнинг АҚШ базаларини нишонга олиш режалари борлиги айтилади. Пентагон ҳам минтақадаги, шу жумладан, Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания ва Саудия Арабистонида жойлашган қўшинларини жанговар тайёргарлигини оширганини иттифоқ қилади.

Дунё иқтисодийтига зиён эҳтимоли юксак. Эрон Ормуз бўғозини ёпиб қўйса, кўп давлатлар анча зарар кўради. Бу йўлақдан Хитой, Ҳиндистон ва бошқа давлатларга нефть олиб ўтилади. Дунё нефти ва газининг 20-25 фоизи мазкур бўғоздан ўтказилади.

Хусийлар Бад-эль-Мандеб бўғозини ёпсалар, нефтнинг нархи 150-200 долларга чиқиб кетиши аниқ.

...Матбуотда Эрондаги "Моссад" агентлари билан боғлиқ талай хабарлар бор. Турли шаҳарларда қўлга олинган агентлар тўғрисида ёзиб-чизилмоқда.

"Моссад"нинг дрон ва қўлбола бомба ишлаб чиқарадиган заводи фош этилди. Кетидан мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам бу каби заводларнинг кўп экани айtilди.

Техрон полицияси пойтахт яқинида икки нафар "Моссад" агентининг 23 дон дрон билан қўлга тушганини хабар қилди.

Бошқа маълумотда Исроил фойдасига жосуслиқда айбланган Исмоил Фикрининг ўлим жазосига ҳукм қилгани қайд этилади.

Буларнинг барча эронликларга жиддий зарбадир.

Халқаро таҳлилчиларнинг умумий фикрича, Эрон ҳудудидаги 90 фоиз кўпуровчилик акцияларининг иштирокчилари исроилликлар эмас (?), балки эронликлардир. Учувчисиз уочқларнинг учурилиши, Исроил авиацияга хариталар билан ёрдам берганларнинг кўпи Техрон аҳолисидир.

Хотирласангиз, Исроил Эронга ҳужум бошлаш арафасида ядро дастурига қарши қураш, деб айтган эди. Кейинроқ эса Нетаньяху халқаро ҳамжамиятга мавжуд исломий режими ағдарил мақсадини ошкор этди.

Исроил бош вазири Эрон аҳолисидинг 80 фоизи ҳозирги раҳбариятдан норози, деб баёнот берди.

Масуд Пезешкиан сайловларда давлат раҳбарлигига сайланди, уни Оятуллоҳ Ҳоманай тасдиқлагач, ишга киришди. У ЭИРда ислохотларни амалга ошириш ва санкцияларни олиб ташлаш ваъдаларини берди.

Санкцияни олиб ташлаш деганда Қўшма Штатлар билан келишувга бориш тушунилади. Унинг мисалларидан бири Ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф эди, уни стратегик масалалар бўйича вице-президент этиб тайинлади. Кейин эса қандайдир босимлар натижасида ишдан кетказилди.

Ҳануз америкапараст кучлар борки, улар билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ.

2024 йилда ҲАМАС етакчи Исмоил Хания шунчалик осон ўлдирилди? Хонасига бомба жойлаштирилди, кўриқчисига олти миллион доллар пул тўланди, деган гапларда энди жон борлиги аён бўлмоқда.

Демак, Исроилнинг Эронда эмин-эркин ҳаракат қилишининг сабаблари ошкор бўла бошлади. Илк ҳужум куни ЭИРнинг ҳаво ҳужу-

мига қарши тизимнинг яқсон қилиниши бекор эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ушбу қисқагина шарҳимиз яқунланаётган маҳал АҚШда истиқомат қилаётган муҳолифат етакчиси, Эроннинг сўнги шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг ўғли Ризо Паҳлавийнинг халққа мурожаатини келтирмоқчиман: "Ислом Республикаси тугади ва қулади. Келажак порлоқ ва биз тарихий бурилиш нуқтасини биргалиқда босиб ўтаемиз. Энди Эронни қайтариб олиш вақти келди. Тез орада сиз билан бирга бўлишга умид қиламан".

У, шунингдек, халқни кўзғалиб, режимни ағдариб ташлашга даъват қилди...

Яқин ойлarda режим ростан қулаб, у давлат раҳбарлигига келтирилса ажабланмасмиз балки...



Аброр ХОН, шарҳловчи

Реклама ҳуқуқида

BRB MOBILE ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ томонидан "Рақамли мижозлар сонини ошириш: натижалар ва режалар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда банк бошқаруви раҳбарияти, мижозлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Банкмииз аҳолига хизматлар кўрсатиши ривожлантириш, унда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этишга устувор аҳамият қаратмоқда, – дейди "Бизнесни ривожлантириш банки" Инновацион ва рақамли технологиялар департаменти директори ўринбосари Абдурашад Абдужабборов. – Хусусан, 2026 йилнинг охирига қадар мобил илова фойдаланувчилари сонини 1 миллион нафарга етказиш белгиланган. Ҳозирги кунда иловада рўйхатдан ўтган мижозлар сони 546 минг нафардан ошди. Мазкур мақсадга 2025 йил охирига қадар эришган ҳолда, 2026 йил охирида фойдаланувчилар сонини 1,6 миллион нафардан ошириш кўзда тутилмоқда.



Ўтган йилнинг дастлабки 5 ойида мобил иловадан рўйхатдан ўтган янги мижозлар сони 42 минг нафарни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг январь-май ойларида бу кўрсаткич 210 минг нафарга етди. Бу натижанинг ўзи ҳам банкнинг рақамли мижозлари сони шиддат билан ўсиб бораётганидан далolat беради.

Мобил илова орқали жорий йилнинг 5 ойи давомида 2,3 миллионга яқин тўлов транзакциялари амалга оширилган. Ўтган йилнинг мос даврида мазкур кўрсаткич 2 миллионга ҳам етмаган (1,9 миллион) эди. Кредит ҳамда банк картаси олиш учун тақдим қилинган аризалар сони эса 66 мингтадан ортиқ бўлиб, ав-

валги йилдан 7,3 баробарга ошган. BRB Mobile иловасининг барқарор ишлашини таъминлаш ва унинг функционалликни янада яхшилаш мақсадида доимий равишда ўзгариш ва янгиланган киритиб борилмоқда. Ҳозирга қадар 33 та лойиҳа масъул департамент томонидан муваффақиятли амалга оширилди. Онлайн авто ва таълим кредитлари, овердрафт, банк картасига буюртма бериш каби хизматлар шулар жумласидан. Айни кунларда микросервислар, онлайн суғурта, BRB NEO ва VISA-сўм симгари 8 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Этиборлиси, мижозларни аънаванай филиаллар тармоғидан рақамли каналлар-

га (айниқса, мобил иловадан фойдаланишга) ўтказиш орқали банкнинг операция ҳаражатларини самарали оптималлаштиришга эришилмоқда. Бугунги кунда рақамли мижозларнинг асосий хавотири – бу мобил иловадан фойдаланишда етарли даражада хавфсизлик чораларининг таъминланмаганидир. Шу сабабли мамлакатимизда биринчи бўлиб BRB Mobile иловасида илғор Session antifraud тизими жорий этилди. Тизим фойдаланувчи иловага кирган заҳоти ишга тушади ва сунъий интеллект асосида қурилмадаги шубҳали иловалар ҳамда зарарли дастурларни аниқлайди,

мижоз профилига нечта қурилма орқали кирилаётганини таҳлил қилади ва хавфсизлик даражасини баллар асосида баҳолайди (масалан, 60 балл – ўрта хавф, 90 балл – юқори хавф). Хавфли ҳолат аниқланганда мижознинг профили автоматик тарзда вақтинча блокланади.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, "XXI asr" муҳбири

Хизматлар лицензияланган



ХАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

“Қозоқ солдати”ни ағдарган Носир Фозилов

Ўзбек адабиётининг генерали Абдулла Қаҳҳорга дастхат

Ёзувчи Носир Фозилов нафақат сўзга талабчанлиги, балки топқирликлари билан адабиёт аҳли орасида танилган эди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов “Китоб ёзиш бошқача устозларга, ҳамкасб дўстлар мухлисларга мақбул келадиган дастхат ёзиб бериш бошқа экан. Бу борада ҳам Носир ака ўзига хос ҳозиржавоб адиб”, дея эслайди.

Бир кунни Абдулла Қаҳҳор Носир акадан:
– Фабибдин Мусреповнинг “Қозоқ солдати” романи таржима қилибсиз деб эшитдим, китоб бўлиб чиқдими? – деб сўради.

– Ҳа, эртага ташлаб ўтарман. Эртасига Носир ака китобга дастхат ёзиб талабчан адибга обориб берди. Устоз китобни очиб, ички муқовага ёзилган дастхатга кўз ташлади. “Ўзбек адабиётининг генерали Абдулла Қаҳҳор! “Қозоқ солдати”ни ағдариб ташлаган ўзбек адабиёти солдати Носир Фозиловдан” деб ёзилган эди.

Устоз мийғида мамнун жилмайиб кўйгандек бўлди.

Қорақалпоқ ёзувчиси Ўрозбой Абдурахмоновнинг “Чангалзор йўлбарси” деган китобини Носир ака қотириб таржима қилгани ҳаммининг эсида. Бундан Ўрозбой ниҳоятда эриб кетиб, Носир акани ўзининг таржима китобига дастхат ёзиб беринг, деб ҳол-жонига қўймабди. Шунда Носир ака бор таваллак деб, Ў.Абдурахмонов фамилия остига “Қорақал-

поқнинг Ўроз ёзувчисига ўзбекининг хўроз таржимонидан” дея имзо қўйиб берибди.

Тарақа-туруқ ашуласини эшитгандек бўлдим

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик хотираларида Носир Фозилов бир “хом” қиссасининг нашр қилинишидан асраб қолгани, лекин кейинги асарларини мақтаганини ёзган. “Фалак”ни ёзиб тугатгач, уни ҳам Носир акам билан тоғамга бердим. Носир акам узоқ куттирмадилар. Ишлари кўп бўлса ҳам тез кунларда ўқиб, хузурларига чакиртирдилар. Хавотир билан борган эдим, кўлимни сиқиб, “Ҳа, шоир, бу бошқа гап”, деб кўнглимни кўтаргач:
– Мен икки руҳдаги асарни ўқигандай бўлдим. Тарихга доир саҳифаларни ўқиганда “Муножот”ни тинглагандай хузурландим. Фантастикага доир саҳифаларда Олмаҳон Хайитованинг тарақа-туруқ ашуласи янграб кетгандай туюлди, – дедилар.
– Олмаҳон Хайитованинг ашуласига одамлар мириқиб ўйнашади-ку? – деб ҳазиллашдим.

Сизнинг бобонгиз ким?

Бир кунни шоир акаларимиздан бири Шекспир асарларини инглиз тилидан таржима қилиб, тавсия этибди. Тахририят рад этибди. Масала тахрир хайъатида муҳокама қилинибди. Охири, шоир акамиз аччиқланиб: “Сизлар Шекспир бобонинг арвоғи уради”, дебди. Шунда Носир акам хотиржам равишда жавоб қилибди:

– Кўрқитманг, Шекспир бобонгизнинг арвоғини менинг бобонинг руҳи уриб, пачақ қилиб ташлайди.

– Сизнинг бобонгиз ким? – деб ажабланибди шоир акамиз.

– Ясавайда... – дебди Носир акам. Ўзлари Туркистон шаҳридан бўлганлари учун жавоб жуда ўрнига тушиб, барчада кулги уйғотган экан.

Носир оғанинг “чангюткич”и

Фозил Жабборовнинг Носир Фозилов билан қилган суҳбатда ёзувчи нималарга эътибор бериши кераклиги ҳақида гапириб ўтади.

Миртемир аканинг 100 йиллигини нишонлаш учун Тошкентдан Туркистонга бордик. Машинадан тушаётиб, шимимга чангми, лойми теккизибман. Хотин киши барибир хотин кишида – рафиқам рўмолчасини олиб, ўша жойни дарров артишга тушди. Бизни кузатиб турган икки қозоқ қардошимиз “Носир оғам Тошкентдан ўзи билан “пиллессос”ини ҳам олқепти”, деса бўладими! Қаранг, қандай чиройли ўхшатиш. Яна бир йили Шахрихонга бордик. Пичоқ олай деб бозорга тушдим. Икки чолнинг гурунгига қулоқ тутдим: “Бизнинг ерлар жуда яхши-да, шудорга оёғингни тикиб турсанг, қулоғиндан барг чиқиб кетади”.

Мана, ёзувчи сўзини қаердан олиши керак! Бунақа ноёб топилмаларни, бетакрор ўхшатишларни ёзув столи олдида минг йил ўтириб ўйласангиз ҳам тополмайсиз. Бу сингари сўзлар буғдой бошоғига ўхшаб битта-битталаб терилади, ён дафтарга қайд қилинади ва керак маҳали сайқал берилиб, ишлатилади.



Ваҳоланки, бизнинг тил бойлигимиз ортиқ бўлса бордир, ҳеч қайси халқниқидан кам эмас. Масалан, тилимизда “опа”, “хола”, “эгачи”, “амма” каби сўзларимизни олайлик. Тожик биродарларимиз буларни ёппасига “Хоҳар” деб қўя қолади. Руслар эса “жиян”, “амаквивачча”, “була”ни “племянник” дейди-қўяди.

Тилнинг нозик жиҳатлари

Чимкентга бордим. Ўша ерлик ўзбек ёш шоирлари келиб, менга: “Ҳафалик тўғарагимиз бор. Шунга “Сайқал” деб ном қўйгандик. Қозоқ дўстларимиз бунга монелик қилиб, тўғарақ номини бу сўз билан атамасликни илтимос қилляпти”, дейишди. Мен шоирларга: “Қардошларимиз тўғри айтибди”, деб жавоб бердим. Негаки “сайқал” сўзини ўзбеклар

“жило” маъносида ишлатишса, қозоқ дўстларимиз бу сўзни ўзига оро бергувчи таннос аёлларга нисбатан қўллайди.

Яна бир мисол. “Мажлисида фалончи одам фистончи одамга “ноз” айтди”, деймиз биз ўзбеклар. Бу сўз қозоқ дўстларимизда “гина” маъносида келади. Қозоқлар даврасида: “Мажлисида фалончи одам фистончи одамга “ноз” айтди”, дёлмаймиз. Негаки, сўзнинг маъноси ўзгариб кетади. Фош деган сўзимизни олайлик, бизда бу сўз бирор ишни, бирор нарсани ошкор қилди деб ишлатилади. Лекин қозоқ адабиётшунослари “маҳорат билан очиб берди, таърифлади” деган жумлани “фoш” қилди тарзида қўллайди.

Муборак ФОЗИЛОВА тайёрлади.
Манба: Oyina.uz

ЎЙЛАР

Бахт нима ўзи?

Бахтга интилишнинг ўзи бахтсизликнинг бошлангичи-масми? Ё Худого қарши исён? Ва ё аҳмоқларнинг ўзига тасаллиси, ё у бутун бошли ҳаётимиз фалсафасими?



Сўнгги пайтларда бахт йўқ, инсон бахт учун яратилмаган (юборилмаган) деган хулосага келяпман.

Йўқ, бу тушкунликка ботиб кетгандаги ёки ҳис-ҳаяжонга берилгандаги хулоса эмас. Ҳаётга берилган реал ифодам.

Ўзим ҳам кўпинча “Бахтли онларингиз кўп бўлсин” деган тилак билдирардим яқинларимга, умуман ҳаммага. Лекин бахт шунчалик муваққат, оний, мўрт тушунчани?

Бахт давомий, узоқроқ муддатни ўз ичига олиши керак эмасми? Вақт ўтиб, ўз таъмини йўқотган, кўникилган хурсандчилик бахт эмас.

Масалан, ўта шахсий, нисбий “бахт”

ўлчовлари аслида бахт эмас, хурсандчилик, қувонч бўлиши мумкин. Эришган ё етишган дейлик “бахт”ингиз бир ҳафталик, бир ойлик қувонч берар. Яна янги “бахт”ни излай бошлайсиз. Шунда у бахтими?

Қисматига бойлик, фарзанд, турмуш, соғлиқ ё мансаб-амал битилмаган одамга бахтиқор Керрига қарагандек ачиниб қараш – “бахт” тўғрисидаги стереотипларимизга мисол эмасми?

Ўз ҳолингга рози бўлиш ва таслимият бахтдир деб ўйлайман. Лекин унинг ҳоли ва қиёфаси ҳам бахтга ўхшайди. Унда кўпроқ чорасизлик, бошқа йўлнинг йўқлиги манзараси уфуриб туради.

Айни дамда инсон бахт учун келмагандир, унинг миссияси бошқадир деган йўлар оғушидаман. Бахт деган сўз инсоннинг ўзини асраб қолиши, турли вазиятларда яшаб қолиши учун ўйлаб топган ёлғонидек туюлади.

Замон тилида айтсак, бахт – Худонинг одамга берган мотивацияси. Ҳозир бор, эртага йўқ. Бу ҳам балки уни аяганидандир. Фарзанд, бахт, эътиқод каби тиргакларсиз одам аллақачон синиб кетармиди...

Сизга ҳам шунақа бемаъни хаёллар ўралашиб турадими?

Севара АЛИЖОНОВА

30 ИЮНЬ – ЁШЛАР КУНИ АРАФАСИДА

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ – ИЖОБИЙ УЧРАШУВ

Замонавий дунёда гоғлар ва мафкуралар ўртасидаги кураш тобора шиддатли тус олмақда. Айниқса, ёшларнинг онги, дунёқарashi ва қалбини эгаллаш учун турли инфоацион-ижтимоий воситалар ўртасида жиддий рақобат кузатилмақда. Ана шундай шароитда энг таъсирчан ва оммавий санъат тури – бу, шубҳасиз, киносанъатдир. Кино нафақат кўнгилочар восита, балки миллий гоғ, рух ва тарихни кенг жамоатчиликка етказишнинг таъсирчан воситаси сифатида ҳам юксак аҳамиятга эга.

Шу маънода, 30 июнь – Ёшлар кунини муносабати билан Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ҳузуридаги Ёшлар масалаларини ўрганиш ва бизнесни қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан “Миллий рух, илмий мерос, киносанъатда мужассам” мавзусида ёшлар ва киноижодкорлар иштирокида ижодий учрашув ташкил этилди.

Тадбирда “Қорақалпоқ кинофильм” муассасасининг бадий раҳбари Қудрат Атажон, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Ерқинай Оринбаева, кино соҳасига қизиқувчи ёшлар, партиянинг ёшлар қаноти фаоллари фаол иштирок этдилар.

Учрашувда ёшларга мамлакат тарққиётининг муҳим дастури – “Ўзбекистон – 2030” стратегияси, хусусан, ёшлар маънавияти, маданияти ва ижодкорлигини юксалтиришдаги аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди. Айниқса, 2024-2030 йиллар давомида 3000 йиллик давлатчилик тарихини акс эттирувчи 54

та бадий фильм, 10 та миллий қахрамонларга бағишланган анимацион фильм ва сериаллар, халқаро кинофестиваль ва телеканаллар учун мўлжалланган кино лойиҳалар яратилиши режалаштирилаётгани ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир давомида таъкидланганидек, бугунги кунда кино ижодкорларининг олдидаги энг муҳим вазифа – миллий ўзлик, тарихий хотира ва истиқлол гоғларини экранда акс эттириш, ёшларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашдир.

Учрашувнинг амалий қисми “Сценарийдан экрангача” мавзусидаги маҳорат дарси билан давом этди. Унда сценарий яратиш, фильмларни тасвирга олиш жараёни, қисқа метражли ва ҳужжатли фильмлар тайёрлаш, халқаро кинофестивалларда иштирок этиш имкониятлари ҳақида ёшларга аниқ ва амалий тавсиялар берилди.

О‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирожиддин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел. факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ, Буюртма рақами: Г – 645
Адади: 5446
Баҳоиси келишилган нархда. Топширилди – 18:40

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ